

Етти хазинанинг бири

Ангор туманининг “Хўжанқон” маҳалласида истиқомат қилувчи Иброҳим Ғуломов 4 йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келади. Ҳозирда 20 та асалари оиласи парваришланмоқда.







-Ҳовлимизда оила аъзоларимиз билан биргаликда асалари боқяпмиз. Асалари боқишнинг ўзига яраша сирлари бор, уларни мукамал ўрганишга ҳаракат қиляпмиз. 2 нафар киши доимий иш билан банд, оиламиз даромадига бу ҳам бир қўшимча, -дейди Иброҳим Ғуломов.

Албатта, асаларичилик соҳасини ривожлантириш орқали аҳолининг экологик тоза асалга бўлган эҳтиёжи таъминланади.